

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ**М. Дадабаева****Банк-молия академияси магистранти****Кириш**

Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда тижорат банкларининг ўрни беқиёс. Банк фаолияти самарадорлиги тўғри ташкил этилган харажатлар ҳисоби ва уларнинг таҳлилига бевосита боғлиқдир. Харажатларнинг нотўғри ҳисобга олиниши банк молиявий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки, тижорат банклари уз номидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай тижорат ташкилоти сифатида тижорат фаолиятини олиб боради ва асосий мақсад сифатида юқори даромад олишни кузлайди. Юқори даромадга эса фақат тижорат банкларнинг даромад қисмини юқори даражага етказиш ва харажатларни оптималлаштириш орқали эришиш мумкин. Мустиқил ишнинг мавзуси харажатлар эканлигини инобатга олган ҳолда, келинг тижорат банклари харажатлари тугрисида фикр юритамиз.

Таҳлил ва натижа

Халқаро амалиётга асосан (интернет сайтлари орқали тупланган маълумот) тижорат банклари харажатлари 2 қисмдан иборат ҳисобланади:

- Ҳоизли харажатлар
- Ҳоизсиз харажатлар

Уз номларидан келиб чиққан ҳолда, ҳоизли харажатлар бу банк томонидан жалб қилинган маблағлар учун туланадиган маблағлар йигиндиси ҳисобланса, ҳоизсиз харажатлар банк бевосита фаолиятини олиб бориш учун туланиши лозим бўлган маблағлар (ҳодимларга иш хақи, амортизация, маъмурий харажатлар ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасида харажатлар 3 гуруҳга бўлинади:

- Ҳоизли харажатлар

- Фоизсиз харажатлар
- Операцион харажатлар.

Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган ссудалар буйича йукотишларни коплашга, соликларни тулашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг усишига сарфланади.

Харажатларга ликвидлилик сингари хар кандай устама фоиз узгаришлари, пасивлар таркиби ва хусусий капитал хажми таъсир килади. Уз навбатида банк харажатлари таркибидаги узгаришлар активлар даромадлигига ҳам узгаришлар киритишни талаб килади.

Харажатларни тугри хисоблаш банкларга мукобил консерватив ресурслар нархларини таксимлаш ва банк активларини аник бахолаш ҳамда харажатларни коплаб, акциядорлар учун даромадларни тугри таксимлаш имконини беради.

Харажатларни бахолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида караш керак.

Бизга маълумки тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб килиб олингунча сакланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар кабул килади. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда пул тулайдилар. Тижорат банклари банк карз мажбуриятлари буйича туланган фоизлар тулайдилар, шу жумладан, кимматли когозларининг сотув нархи билан номинал киймати орасидаги салбий тафовут булганида, баъзибир келтирилган, лекин туланмаган фоизларни тулашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Ўзбекистонда банклар бухгалтерия ҳисоби миллий қонунчилик ва стандартларга асосланади. Шу билан бирга, жаҳон амалиётида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МСФО) талаблари кенг қўлланиб, харажатларни ҳисобга олишда қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Тижорат банкларидаги операцион харажатлар

Банклар уз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдикланган ва смета маблаг ажратмалари доирасида амалга

оширадилар. Банкнинг операцион харажатлари сметаси буйича кредитларни банк рахбари тасарруф этади. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета маблаглари хисобот йилининг 31 декабригача амал килади. Тугаган йилда амалда килинган барча харажатлар 31 декабригача утказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда куйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади:

- 56100 – Иш хаки ва унга тенглаштирилган харажатлар
- 56200 – Ижара туловлари
- 56300 – Сафар ва транспорт харажатлари
- 56400 – Маъмурий харажатлар
- 56500 – Хайр-эҳсонлар
- 56600 – Амортизация харажатлари
- 56700, 56900 – Солиқлар, сугурта ва бошқа харажатлар.

Иш хаки ва ходимларга бошқа туловлар деганда куйидагилар кузда тутилади:

- Иш хаки;
- Ходимлар учун имтиёзлар;
- Медицина билан боғлиқ харажатлар;
- Ижтимоий - сугурта жамғармасига туловлар;
- Социал ҳимоя харажатлари;
- Меҳнат биржаси, яъни бандлилик фонди ва бошқа фондларга взнослар;
- Ходимларга бошқа харажатлар.

Ижара ва хизматлар учун (хужалик) харажатларига куйидагилар киради:

- Ижара тулови;
- Сув учун тулов;
- Электро - энергия учун тулов;
- Таъмирлаш ва хужалик харажатлари;

- Куриклаш булимига тулов.

Сафарнома ва транспорт харажатларига куйидагиларни киритиш лозим:

- Сафар харажатлари;
- Уй - жой харажатлари;
- Ёкилги харажатлари;
- Транспорт учун килинадиган бошка харажатлар.

Маъмурий харажатларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- Рекламалар;
- Канцелярия ва офис учун олинадиган буюмларга харажатлар;
- Почта, телефон, факс харажатлари;
- Типография учун, китоб ва журналлар, газеталар сотиб олиш учун

килинадиган харажатлар.

Маданий тадбирлар ва хайрия харажатларига куйидагилар киради:

- Маданий тадбирлар учун харажатлар;
- Аъзолик взнослари;
- Хайрия харажатлари

Амортизация харажатларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Банк биносининг эскириши;
- Банк биноси нархининг усиши;
- Транспорт эскириши;
- Мебель ва бошка кулланмаларнинг эскириши;
- Номоддий активларнинг эскириши;
- Арендага берилган асосий воситаларнинг эскириши;
- Арендага булган хукук ва арендага олинган объектни таъмирлашнинг

эскириши.

Сугурта, соликлар ва бошка харажатларга куйидаги харажатларни киритишимиз мумкин:

- Юридик ва аудиторлик хизматлар учун туловлар;
- Консалтинг хизматлар учун туловлар;

- Сугурта харажатлари;
- Соликлар;
- Жарима ва устамалар;
- Бошка операцион харажатлар;
- Кузда тутилган зарарлар киймати;
- Даромад солиги.

Иш хаки ва унга тенглаштирилган харажатлар буйича куйидаги хисоб ракамлар юритилади. Келгуси йиллар сметалари хисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар хисоби - "Пули олдиндан туланган харажатлар" хисобварагида юритилади. Бу хисобвараққа охирида таътилга кетаётган ходимларга туланган иш хаки хусусан келаси йилга тааллуқли туловлар, келаси йил учун газеталарга обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари хисобидан урни копланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу қабилар утказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар. Олдиндан туланган харажатлар номли 19925 - хисобварақдан куйидаги тегишли иккинчи тартиб хисобварақларига "Иш хаки" номли 56102, "Даврий нашрлар, китоблар, газеталар" номли 56418, "Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш" номли 56216 - хисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошка тегишли хисобварақларга утказилади.

Суммалари хисобидан ижтимоий сугуртага ажратмалар қилинмайдиган, ишдан бушаганда туланадиган нафақаларни давлат ижтимоий сугуртасига доир бадаллар буйича хисоб-китоб қайдномаларини ажратиб курсатиш учун бу нафақа туловлари хисобини алохида шахсий хисобварақларда юритиш тавсия этилади.

Операцион харажатларни расмийлаштиришда бухгалтер 29802 - хисобварақдаги булақларни хисобга олган ҳолда смета маблағнинг қолдиги ушбу чиқимни тулаш учун етарли эканлигини текширади.

"Иш хаки ва ходимлар учун сарфланган бошка харажатлар - 56102", "Хизмат сафари йул харажатлари - 56302" ва "хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар" ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақлар махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш хаки банк ходимларига факат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун туланиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш хакининг барча турлари иш хаки фондида киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш туғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар 56106 - "Банк хизматчилари учун имтиёзлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бу харажатларнинг барчаси ходимларни моддий рағбатлантириш учун қилинади ва йил охирида фойдадан қопланади ва қуйидагича берилади:

Дебет - 31206

Кредит - 56102, 56106, 56195 ва бошқалар.

56200 - Ижара ва хужалик харажатлари турли-туман бўлади, улар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ёпилади, яъни 56300 - Сафар ва транспорт харажатлари.

Бу харажатлар ҳам банк фаолияти асосий харажатларидан бири ҳисобланиб, йил охирида фойда ҳисобидан ёпилади.

Дебет - 31206

Кредит - 56300 х.в. бўлади.

56400 - Маъмурият харажатлари.

Бу харажатлар банк фаолиятини реклама қилиш, концевлярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, банк учун зарур бланкаларни типографиядан чиқариш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади. Бу харажатлар ҳам йил охирида банк фойдаси ҳисобидан ёпилади.

56500 - Презентация ва соликлар.

56600 - Амортизация (эскириш) харажатлари.

56700 - Сугурта ва соликлар.

56800 - Эхтимолли зарарларни бахолаш.

56900 - Даромад солигини бахолаш.

Юкорида ёзиб утилган банкнинг операцион харажатларини барчаси йил охирида фойдадан ёпилади.

Юкоридаги хисобварақлар буйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида амалга оширилади.

Демак, операцион харажатлар банк фаолиятининг харажатларини асосий кисми булиб хисобланади.

Хулоса

Харажатларнинг тўғри ҳисобга олиниши банк молиявий натижаларида аниқлик ва шаффофликни таъминлайди. Таклиф сифатида:

- Харажатларни классификация қилишда ягона ёндашув жорий этиш;
- МСФО талабларига мувофиқ ҳисоб юритиш;
- Ички аудит тизимини кучайтириш;
- Харажатларни оптималлаштириш учун замонавий ахборот технологияларини жорий этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
- 3.
4. Qoraliev T. va boshqalar Bank ishi. O'quv qo'llanma. – T.: "IQTISOD – MOLIYA", 2016 y.
5. Савицкая Г.В. "Анализ хозяйственной деятельности". – Москва: ИНФРА-М, 2019.

6. Basel Committee on Banking Supervision. "Principles for sound management of operational risk". – BIS, 2021.